

www.ahlisunnat.com



*Обрати
взгляды*



Алматы - 2014

Мундарижа

<i>Аллоҳ бор.....</i>	<i>3</i>
<i>Намоз ўқимайдиганлар ҳақида.....</i>	<i>4</i>
<i>Манқибалар.....</i>	<i>6</i>
<i>Аллоҳ бизни кўриб турибди</i>	<i>12</i>
<i>Бизга балки шуниси хайрлидир</i>	<i>13</i>
<i>Кибрдан сақланиш.....</i>	<i>13</i>
<i>Салавотнинг фойдаси.....</i>	<i>14</i>
<i>Косибнинг кўркуви</i>	<i>15</i>
<i>Мен ҳам бирга ёнайин.....</i>	<i>16</i>
<i>Чўкмаган кема.....</i>	<i>18</i>
<i>Бойқушнинг қиссаси.....</i>	<i>19</i>
<i>Кучим етгани шу.....</i>	<i>20</i>
<i>Битта олма.....</i>	<i>21</i>
<i>Мусулмон ёлгон гапирмайди</i>	<i>23</i>
<i>Бу сувни ифлос қилма.....</i>	<i>24</i>

<i>Қозининг уч камчилиги</i>	<i>25</i>
<i>Кибрнинг зарари.....</i>	<i>27</i>
<i>Гапир, эй Жунайд</i>	<i>28</i>
<i>Муҳаммад Ходимий ҳазратлари.....</i>	<i>28</i>
<i>Мутазила, Жабриячи ва атеист</i>	<i>30</i>
<i>Нимангга ишониб кибрланяпсан?.....</i>	<i>33</i>
<i>Улар уй ҳам қурадиларми?</i>	<i>34</i>
<i>Уни фаришталар чўмилтирди</i>	<i>35</i>
<i>Рамазонга ҳурматнинг натижаси</i>	<i>36</i>
<i>Сенга Расулуллоҳнинг саломи бор</i>	<i>37</i>
<i>Эрталабгача намоз ўқи, хотирлайсан....</i>	<i>39</i>
<i>Соҳибини ким билмайди</i>	<i>40</i>
<i>Сен кўлингдан келганини қилдинг.....</i>	<i>42</i>
<i>Сенда кибр бор.....</i>	<i>44</i>
<i>Бисмиллоҳга ҳурмат</i>	<i>46</i>
<i>Ҳақиқий олимларнинг ҳоли.....</i>	<i>47</i>
<i>Гуноҳ хасталигининг дориси</i>	<i>48</i>

<i>Сен нимага йиглаясан?</i>	<i>49</i>
<i>Аслида хаста менман</i>	<i>50</i>
<i>Йигирма сонияда қилдирмоқчимисан?... ..</i>	<i>51</i>
<i>Ичингизда энг гуноҳкори менман.....</i>	<i>52</i>
<i>Бор, сабабларга ёпиш</i>	<i>53</i>
<i>Мен бир зарраман</i>	<i>53</i>
<i>Бизни мажбур этдинг.....</i>	<i>54</i>
<i>Улуғларни севганлар маҳрум қолмайди..</i>	<i>56</i>
<i>Хикматлар.....</i>	<i>59</i>



Аллоҳ бор

Уламои маишхурадан шайх Муҳаммад Рабҳомий “Риёд-ун-носиҳийн” нинг 15-чи саҳифасида айтадиларки:

“Зод-ул-муқвийн” китобида мазкурдир ким, Рум қайсари, еттинчи Аббосий халифаси Маъмун бин Хорунга бир хабарчи юборди. Унинг ёнида баҳайбат, ўзига бино қўйган бириси ҳам бор эди. Хабарчи: “Бу одам динсиз, кофир. Бир яратувчининг борлигига ишонмайди. Рум роҳиблари бунга жавоб бериша олмади. Ислом олимлари буни мот қилиб, таъзирини беришса, миллионлаб насоро ва мусулминни хурсанд қилишган бўлурди”, деди халифага. Бағдод олимлари, бунга фақат Аҳмад Нишопурий жавоб берадилар дейишди. Халифа аниқ бир кун ва соат белгилаб, ўша вақтда олимларнинг барчасини саройга тўпланишга амр берди. Нишопурий мажлисга кеч қолди ва “йўлда ажойиб, кишини ҳайратга бўғадиган бир нарса кўрдим. Уни бироз томоша қилайин деб мажлисга кеч қолдим. Дижла қирғоғида кема кутаётгандим. Ердан бир ниҳол униб чиқиб дарахт бўлди, кейин тагидан кесилиб йиқилди, бўлакланди. Ундан тахталар ҳосил бўлди. Шу орада тахталар бирлашиб бир кема юзага келди. Кемачи бўлмаса ҳам у кема сувда суза бошлади” дея ҳикоя

қилди олим. Рум кофири олимнинг бу сўзларини эшитиб, ўрнидан туриб кетди ва "бу одам тентак бўлибди, шунақа бемаъни нарса ҳам бўладими? Шуни гап деб айтган кимсадан ҳам ўтадиган ёлгончи бўлмаса керак. Бунга фақат беақллар ишонади", - деди. Шунда Нишопурий сўзга аралашиб, "арзимайдиган бир дарахт ўз-ўзидан кемага айлана олмаса, ер юзидаги шунча ҳайратланарли ҳодисалар, ўз-ўзларидан қандай қилиб пайдо бўлишиди? Буларнинг яратувчиси йўқ деб даво қилган кимса яна-да аҳмоқроқ ва ундан да олчоқроқ бўлмайдими?" деди. Жавобдан карахт бўлган даҳрий: "Ҳар бир нарсанинг бир яратувчиси борлигини энди англадим ва бунга ишондим", деб "Ла илоҳа иллаллоҳ" калималарини такрорлаб мусулмон бўлди.

Намоз ўқимайдиганлар ҳақида

"Қурра-тул-ъуюн" китобида мазкур бир ҳадис-и шарифда марҳамат қилинадик: "Ҳеч қандай узрсиз намозини тарк этган кишига Аллоҳу таоло ўн бешта мусибат беради. Уларнинг олтитаси бу дунёда, учтаси ўлаётганида, учтаси қабрда, яна учтаси қабрдан турганида бериладиган ташвиш ва мусибатлардир.

Бу дунёда бериладиган олтита мусибат: 1) Бенамознинг умрида барака бўлмайди. 2) Аллоҳнинг суйган

бандаларида бўладиган кўркамлик, гўзаллик, севимлик ва малоҳат уни тарк этади. 3) Ҳеч қандай яхшиликка савоб берилмайди. [Бу ҳадис-и шарифдан шу маълум бўладикки, фарзларни ўз вақтида адо этмаганларнинг суннатлари ҳам қабул бўлмайди. Яъни суннатларига ҳам савоб берилмайди.] 4) Дуолари қабул бўлмайди. 5) Уни ҳеч ким ёқтирмайди ва севмайди. 6) Муслмонларнинг яхши дуолари унга кор қилмайди.

Ўлаётганда тортадиган мусибатлари: 1) Залил, ҳақир ва расво ҳолатда жон топиради. 2) Очлик изтиробида ўлади. 3) Тўйиб сув ичса ҳам, чанқоқлик азобида жон беради. Қабрда чекадиган мусибатлари: 1) Қабр уни шундай сиқадикки, суяклари бир-бирига ботиб кетади. 2) Қабри оташга тўлиб, кечаю-кундуз уни ўртайди. 3) Аллоҳу таоло унинг қабрига дунё илонларига ўхшамайдиган улкан бир илон юборади. Ўша илон уни ҳар кун намоз вақтларида чақиб абгор қилади. Бир зум ҳам тарк этмайди.

Қиёматда бошига келадиган мусибатлари: 1) Жаҳаннамга судрайдиган азоб малаклари унинг ёнидан айрилмайди. 2) Аллоҳу таоло уни газабнок ҳолда кутиб олади. 3) Ҳисоби жуда қийин кечиби, оқибатда Жаҳаннамга ташиланади.”

Манқибалар

“Иршод-ус-сиддиқ” китобининг муаллифи ривоят қилади. Бир куни Расулulloҳ “Абу Бакрнинг имони бошқа мўминларнинг имонлари билан ўлчанса, Абу Бакрнинг имони озир келади” дея марҳамат қилгандилар. Бир ривоятда “Тушимда қиёмат қойим бўлибди. Маҳшарда тарози қурилибди. Бутун мўминларнинг имони тортилди. Абу Бакрнинг имони барча мўминларнинг имонидан озир келди” дея марҳамат қилгандилар.

Абу Ҳурайра айтадики: “Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ жанобимизга келди. Ёнларида узоқ вақт қолди. Келтирган ваҳийсини гапирди. Шу пайт Абу Бакр Сиддиқ у ердан ўтди. Расули акрам ҳазратлари “Ё Жаброил, сиз самода Абу Бакрни биласизларми?” деб сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом “Ҳа, сени халққа пайгамбар этиб юборган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, Абу Бакр кўкда ердагидан анча машҳурдир. Кўклардаги исми Ҳалимдир” дея жавоб берди.”

Ҳузайфа ривоят қилади. Расулulloҳ жанобимиз буюрди: “Кимки мени тушида кўрса, муҳаққақ мени

кўрган бўлади. Зеро шайтон менинг суратимда кўринмайди. Кимки тушида Абу Бакрни кўрса, Абу Бакрни кўрган бўлади. Зеро шайтон Абу Бакрнинг суратида ҳам кўринмайди”.

*Умар ибнул Хаттоб ривоят қилади. Расулуллоҳ жанобимиз “Кўйидаги беш кимсадан бошқаси учун оёққа қалқмангиз. Онага, отага, сизга Қуръон ази-мушшон ўргатган муаллим, олимга илмга хурмат учун, шарафлари учун саййидларга ва одиллиги учун адолатли султонга.” Расулуллоҳ жанобимиз бу ҳадиси шарифни айтиб бўлганларида Абу Бакр Сиддиқ келиб қолди. Пайгамбар жанобимиз унинг учун оёққа қалқди. Ҳазрати Абу Бакр ўтирмагунча, ўзлари ҳам ўтирмадилар. Умар бин Хаттоб айтдики: “Ё Расулуллоҳ! Бизга бу беш кимсадан бошқаси учун оёққа турмангиз, дедингиз. Ўзингиз эса Абу Бакр учун оёққа қалқдингиз.” Расулуллоҳ жанобимиз “**Жаброил алайҳиссалом келиб, ёнимда ўтирган эди. Шу вақтда Абу Бакр мажлисга кирди. Ҳазрати Жаброил “Ё Муҳаммад! Абу Бакр келди” деди. Мен, ё Жаброил, Абу Бакрни танийсанми, дедим. Айтдики: “Ё Муҳаммад! Абу Бакр фаришталар ёнида машхурдир. Сен ер юзида таниганинг каби, уни танийдилар.”***

Жаброил алайҳиссалом Абу Бакр Сиддиқ қаришисида оёққа турди. Мен ҳам турдим. Ё Умар, Жаброил алайҳиссалом оёққа турган жойда мен турмайманми! Абу Бакрга ҳурматидан ҳазрати Абу Бакр ўтирмагунча Жаброил алайҳиссалом ўтирмади. Мен ҳам ўтирмадим” деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Умар халифа бўлгандан сўнгра шу қадар адолат билан ҳаракат қилдики, ҳеч ким бундай қилолмаган ва бундан кейин ҳам қила олмайди. Шу шаклда адолат қилдики, ҳиммати қудсиясининг қуввати билан бўрининг қўйга зарари бўлмасди. Ривоят этадиларки, ҳазрати Умар шаҳид бўлди. Бир чўпон қўйларининг ёнида турганди, бир бўри келди. Қўйларга ташилди. Чўпон фарёд кўтариб, йиглаб, “Э воҳ Умар, Инна лиллаҳ ва...” деди. Ёнидаги чўпонлар ҳазрати Умарнинг вафот этганлигини қаердан билишини сўрадилар. Чўпон “Шундан билдимки, ҳазрати Умар ҳаётлигида бўрилар қўй отарига яқин келса ҳам зарари тегмасди. Энди эса, бўри тап тортмай қўйга хужум қилмоқда. Демак, ҳазрати Умар бу дунёдан кўз юмганлар” деди.

Расулуллоҳ жанобимиз “Кўрқинглар Умарнинг газабиданки, у газабга келганида, Аллоҳу таборака ва таоло ундан ҳам баттар газабга келади” дедилар.

Расулуллоҳ жанобимиз “Агар мендан сўнгра Аллоҳу таоло пайгамбар юборса эди, Умарни юборарди. Аллоҳу таборака ва таоло икки фаришта билан унга қувват берди. Ундан бир хато содир бўлса, уни қайтариб, тўғрисиани қилдирадилар” деб марҳамат қилдилар.

Расулуллоҳ қизи Руқияни ҳазрати Усмонга берганидан бироз вақт ўтиб қизидан “Усмон бин Аффон қандай киши экан” деб сўради. Қизлари “Яхши, хайрли киши экан” деди. Расулуллоҳ “Эй жоним қизим! Усмонга кўп ҳурмат кўрсат. Чунки Асҳобим ичида менга ахлоқи энг кўп ўхшагани Удир” деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Усмон юмшоқлиги ва ҳаёси билан машҳурдир. Маърифат илмида гоят моҳир эди. Пайгамбар жанобимиз бир марта у ҳақда “Усмондан кўкдаги фаришталар ҳаё этишади” дегандилар.

Расулulloҳ жанобимиз “Агар қирқ қизим бўлганида эди, барчасини бирин-кетин ҳеч бири қолмагунча Усмонга берардим” деб марҳамат қилгандилар.

Ҳазрати Али ҳазрати Фотима билан уйланадиган вақти тўй харажати қилиши учун совутини сотишига бозорга жўнатди. Ҳазрати Усмон бозордан ўтиб кетаётиб ҳазрати Алининг совутини таниди. Дарров даллолни чақириб “Шу совутнинг эгаси бунга қанча пул сўраяпти” деди. Даллол “Тўрт юз дирҳам” деди. “Юр, пулини бериб, совутни олайн” деди. Уйига бордилар, совутни олиб, пулини берди. Сўнгра совутнинг ёнига тўрт юз дирҳам қўшиб, ҳазрати Алига жўнатди. Унга “Ушбу совут сендан бошқасига лойиқ эмас. Мана бу тўрт юз дирҳамни эса, тўйга сарфла, бизни маъзур тутасан” деган хабар юборди.

Расулulloҳ жанобимиз “Али бин Абу Толибга бўлган севги шундай ибодатки, ҳеч бир гуноҳкорлик унга зарар беролмайди. Адоват ва душманлик эса, шундай гуноҳки, ҳеч бир ибодат унга фойда беролмайди” дедилар. Салмони Форисий ривоят қилади.

Расулulloҳ жанобимиз “Менинг сиримнинг соҳиби Али бин Абу Толибдир” деб марҳамат қилдилар.

Амир-ул муминин ҳазрати Алининг одати шарифлари шу эдики, намоз ўқиётганида олам остин-устун бўлиб кетса хабари бўлмасди. Ҳатто ривоят этадиларки, бир жангда муборак оёғига ўқ тегиб, темир қисми суякка қадалганди. Чиқмасдан суякда қолди.

Жарроҳга кўрсатдилар. Жарроҳ “Сенга ҳушдан кетказувчи бир дори ичириши керак. Ҳушингдан кетасан. Ундан кейин темирни чиқарса бўлади. Бўлмаса бунинг озригига чидай олмайсан” деди. Амир-ул муминин ҳазратлари “Дорига ҳожат йўқ. Сабр қил. Намоз вақти кирди. Намоз ўқиётганимда чиқар” деди. Намоз вақти келиб, ҳазрати Али намозга турди. Жарроҳ муборак оёғини кесиб, темирни чиқарди. Жароҳатни ўради. Ҳазрати Али намозни тугатиб, жарроҳдан “Чиқардингми” деб сўради. Жарроҳ “Ҳа, чиқардим” деди. Ҳазрати Али “Темирни чиқарганингни сезмадим” деди.



Аллоҳ бизни кўриб турибди

Ҳазрати Умар халифалик даврида бир кечаси осойишталикни назорат қилиш учун Мадина шаҳри кўчаларини кезиб юрганди. Бир уйнинг олдидан ўтиб кетаётганида уйдан баланд овозда гаплашаётганларни эшитиб қолди. Онаси қизига шундай дерди:

- Қизим, эртага сотадиган сутимизга сув аралаштириб қўй.

- Ойи халифа сутга сув аралаштиришни тақиқламадими?

- Қизим ярим кечаси халифанинг бундан қандай хабари бўлади, у ҳозир ётоғида ухляпти.

- Она, халифа ухляпти, хабари йўқ дейсиз. Ҳамма нарсани биладиган, кўрадиган ва ҳамма нарсага қодир Аллоҳу таоло бизни кўриб турибди. Ҳолимизни билиб турибди. Ҳийламининг инсонлардан яширишимиз мумкин, аммо ҳамма нарсани билувчи ва кўрувчи Аллоҳдан қандай яширамиз?

Ҳазрати Умар бу қизнинг гўзал ахлоқига лол қолди. Уйга келиб, бўлган воқеани аёлига айтиб берди. Кейин бу қизни ўғли Асимга олиб берди. Асим бу аёлидан бир қиз фарзандлик бўлди. Бу қиздан эса одил халифалардан Умар бин Абдулазиз ҳазратлари тугилди.

Бизга балки шуниси хайрлидир

Чўлда яшайдиган бир бадавийнинг бир хўрози, бир ити ва бир эшаги бор эди. Хўроз саҳарлари қичқириб, уларни намозга уйғотарди. Бир куни тулки хўрозни олиб қочди. Бола-чақаси гамга ботди. Бадавий “Бизга балки шуниси хайрлидир” деб уларга тасалли берди. Бироз вақтдан кейин бир бўри келиб, юklarини ташийдиган эшакни еб кетди. Бадавий гамга ботган оиласига яна “Бизга балки шуниси хайрлидир” деб тасалли берди. Бироз вақт ўтгач, ўзларини қўриқлайдиган итлари ҳам ўлиб қолди. Бадавий яна оиласига тасалли берди.

Бир куни эрталаб, олдиларидаги бир неча чодирларда яшайдиганлар асир олинганлигини кўрди. Ҳайвонларнинг овозлари, хўроз қичқирishi, эшакнинг ҳанграши ва итларнинг ҳуриши чодирда яшайдиганларни тутиб берганди. Бадавийнинг ҳайвонлари бўлмаганидан унинг борлигидан хабар топмагандилар.

Кибрдан сақланиш

Авлиёуллоҳдан бир зот Рамазон ойида талабалари билан бирга бир шаҳарга бориш учун йўлга чиқдилар. Шаҳарга яқинлашганларида тўп-тўп одамларнинг

уларни кутиб олишга чиққанини кўрдилар. Муборак зот дарҳол тугунидан қотган нонни чиқариб, оғзига солди. Буни кўрган аҳоли “Биз бу зотни олим ва авлиё деб билардик. Рамазон ойида рўза тутмабди, бунинг устига очикдан-очик овқат еяпти. Бундай одамнинг суҳбатини эшитишининг кераги йўқ” деб тарқаб кетдилар.

Талабалари бу зотдан қилган ишининг ҳикматини сўраганларида “Шунча одамнинг бизни кутиб олиш учун йўлга чиққанини кўриб, қалбимга кибр ва улугворлик келишидан кўрқдим. Уларнинг олдида ўзимни наст кўрсатиб, нафсимни ерга уриш учун бу ишни қилдим. Нонни чайнадим, аммо ютмадим. Барча нон еяпти деб ўйлади. Қалбимга кибр жойлашиб, Аллоҳу таолонинг газабига сабаб бўлганимда ҳолим нима кечарди” деб жавоб берди.

Салавотнинг фойдаси

Суфёни Саврий ҳазратлари айтади:

Каъбани тавоф этаётганда ҳар қадамида салавот ўқиган бир кишини учратдим. Унга “Сен керакли дуоларни ташлаб, фақат салавот ўқияпсан. Ҳар жой учун алоҳида ўқиладиган дуолар бор” дедим. У “Сен кимсан?” деб сўради. Мен ўзимни таништирдим. У

“Сен авомлардан эмассан, олим экансан. Сенга гапириб берайин” деб бошлади:

Отам билан Байтуллоҳга бориш учун йўлга чиқдик. Йўлда отам касалланди. Уни даволаш учун астойдил ҳаракат қилганимга қарамай отам вафот этди. Вафот этиши билан юзи қорайиб кетганини кўрдим. Юзини бекитдим. Ёнида ўтириб, ухлаб қолибман. Тушимда шундай бир зотни кўрдимки, ундан гўзал юзли ҳеч кимни кўрмагандим. Ундан жуда гўзал ҳид келарди. Отамнинг ёнига келди. Юзини бекитган ётинчиқни олиб, кафтини отамнинг юзига сурди. Отамнинг қора юзи нурланди, оппоқ бўлди. Бу зотдан ким эканлигини сўраганимда **“Мен Расулуллоҳман. Отанг умрини бекор ўтказди. Аммо менга кўп салават ўқирди, ҳозир қайғуда эканлигини менга билдирдилар, ўзи ҳам менадан ёрдам истади. Кўп салават ўқиган мўминга мен, албатта, ёрдам бераман”** деб марҳамат қилдилар. Уйғониб, отамнинг юзи оппоқ бўлганини кўрдим. Мана шу сабабли, қаерда бўлсам ҳам Пайгамбар жанобимизга кўп салават ўқийман.

Косибнинг кўрқуви

Обидлардан бири ибодат этиш учун тоққа чиқиб кетибди. Бир кеча тушида бир овоз “Фалон косибнинг

олдига бор. Сен учун дуо этсин” дебди. Обид тоғдан тушиб, бу одамни топибди. Унинг нима иш қилишини сўрабди. Бу киши кундузлари рўза тутиб, косиблик билан шугулланишини, топган пул билан оиласининг кам-кўстини таъминлагандан кейин ортганини садақа қилишини айтибди.

Обид бу одамнинг гўзал бир иш қилаётганини, аммо ўзининг тоғда фақат ибодат билан машғул бўлишини устун кўриб, такрор ибодатига қайтибди.

Яна бир кечаси тушидаги овоз “Косибнинг олдига бор, ундан “Юзинг саргайиб кетганининг сабаби кима?” деб сўра” дебди. Обид бориб, косибдан буни сўрабди. Косиб “Кимни кўрсам у қутулади, мен эса ҳалок бўламан деб, ўзимдан жуда кўрқаман. Юзининг саргайишининг сабаби шу” деб жавоб берибди.

Шунда обид косибнинг бу кўрқув ва тавозу билан устунлик қозонганини тушунди.

Мен ҳам бирга ёнайин

Иброҳим алайҳиссалом оловга отган вақт бутун фаришталар, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар йиғладилар ва атрофида тўпланиб, Иброҳим алайҳиссалом ёрдам бериш чорасини изладилар.

Буларнинг орасида заиф бир булбул бор эди. Булбул ўзини оловга отмоқчи бўлганида Ҳақ таоло Жаброил алайҳиссаломга амр этиб, буюрдики:

- Бу қушни тут ва қандай тилаги борлигини сўра.

Жаброил алайҳиссалом қушни тутиб, қандай тилаги борлигини сўраганида, қуш:

- Халилulloҳни оловга ташламоқчилар. Модомики қутқаришга қодир эмас эканман, ҳеч бўлмаса мен ҳам оловда ёнайин.

Ҳақ таоло буюрдики:

- Бу қушнинг мендан тилаги нима?

Булбул “Менинг дунёда Аллоҳу таолонинг исми-ни ёд этишдан бошқа орзуим йўқ. Минг бир исми бор эканлигини эшитдим. Юз бирини биладан. Қолган тўққиз юз исми шарифини ҳам билишни истайман” деди. Ҳақ таоло қушнинг тилагини бажарди. Ҳозирда саҳроларда нола қилаётган булбул Аллоҳу таолонинг исмини сўзламоқда.

Намруднинг ёққан олови Иброҳим алайҳиссалом учун гулистонга айланганида, булбул келиб гул шохига қўниб, сайрашни бошлади. Шу вақтдан қиёматга қадар гулга муҳаббат қўйди, ошиқ бўлди.



Чўкмаган кема

Абу Муслим Сафтар авлиёнинг буюкларидан эди. Бир кун кема билан йўлга чиқди. Ёнида бошқа кўп одамлар бор эди. Бирданига қаршидан бир шамол турди. Тўлқинлар катталашди. Кема чўкишининг олдини олиш учун юкларни денгизга отдилар, ёрдам истадилар.

Абу Муслим айтадики: Биз билан бирга кимлиги номаълум бир қишлоқлик ҳам бор эди. Унинг ёнида бир мусҳафи бор эди. У ўрnidан туриб, мусҳафни қўлига олиб “Ё Рабби! Агар бир кимсанинг қўлида дунё султонидан бир мактуб бўлса, ҳеч ким унга теголмайди, зарар беролмайди, балолардан узоқ бўлади” деди, сўнгра мусҳафни юқорига кўтариб “Ё Рабби, бу сенинг китобингдир, буни бизга бердинг. Қўлларида сенинг китобинг бўлган қулларингни сувда чўктириши карамингга ярашмайди. Бу таҳликадан қутқар” деб ёлвориб дуо қилди.

Шу заҳоти тўлқинлар ва денгиз тинчланди. Биз соғ-саломат йўлимизда давом этдик.

Бойқушнинг қиссаси

“Ҳаёт-ул ҳайвон” китобида айтиладики:

Сулаймон алайҳиссалом бутун ҳайвонлар билан гаплаша оларди. Бу унинг мўъжизаларидан бири эди. Кўкда тахти билан кезарди. Бир куни бойқуш Сулаймон алайҳиссаломга салом берди. Сулаймон алайҳиссалом алик олиб, ундан сўради:

- Нимага бугдой емайсан?

- Одам алайҳиссалом у сабабли Жаннатдан чиққани учун.

- Нимага сув ичмайсан?

- Нуҳ алайҳиссаломнинг қавми сувда чўккани учун.

- Нимага фақат харобаларда юрасан?

- Харобалар Аллоҳу таолонинг меросидир.

- Нима учун уйларга келиб сайрайсан?

- Инсонларни огоҳлантириши учун. Олдиларида шиддатли таҳликалар бўла туриб, қандай гафлатда ухлайдилар. Бундайларга ёзиқлар бўлсин!

- Кундузлари нимага чиқмайсан?

- Инсонлар менга зарар бермаслиги учун.

- Сайраётганда нима дейсан?

- Тасбеҳ ўқийман ва “Эй гофиллар, чиқадиган узоқ сафарингиз учун озиқ ҳозирланг” дейман.

Сулаймон алайҳиссалом бойқушдан ҳам насиҳат-чироқ қуш йўқ эканлигини айтди.

Кучим етгани шу

Бир кун Намруд Иброҳим алайҳиссаломни оловга отишга қарор қилди. Шундай катта гулхан ёқадики, ўзи оловга яқинлашолмайди. Бир муборак зот бир чумолининг оловни ўчириши учун оғзига сув олиб, узоқдан келаётганини кўрди. Аммо оловга яқинлаша олмасдан, сувни гулханга яқин бир жойга тўкяпти. Авлиё зот чумолидан сўрабди:

- Сен нима қиляпсан?

Чумоли жавоб берибди:

- Асти сўрама, Аллоҳнинг пайгамбарини оловга отмоқчилар. Шу оловни ўчиришига ҳаракат қиляпман.

- Сенинг бу кичик жуссанг билан ташиган бир томчи сувинг улкан гулханни ўчира оладими?

- Жаноби Аллоҳ ҳар кимдан унинг кучига қараб ҳисоб сўрайди. Менинг кучим етгани шу.

Нариги тарафдан бир илон тинмай оловга пуфлаб, уни кучайтирмоқда. Ундан сўрабди:

- Нимага бундай қиляпсан?

Илон жавоб берибди:

- Бугун байрам. Бир пайгамбар ёнади.

Бу илон ҳам кучи етадиган даражада ёмонлигини қилмоқда.

Демак, буюк Аллоҳ ҳайвонларни икки гуруҳ қилиб яратганидек, инсонларни ҳам икки гуруҳда яратган: Бири оловни кучайтирадиганлар, иккинчиси оловни ўчирадиганлар.

Жаноби Ҳақ бизни оловни ўчирадиганлардан қилсин!

Битта олма

Шамсиддин Севозийнинг “Маноқиб имоми Аъзам” номли асарида шундай ёзилган:

Имом Аъзамнинг отаси Собит (раҳматуллоҳи алайҳ) ёшлигидан ахлоқи гўзал, тақво ва вароъ соҳиби эди. Юзи гоятда нузли бўлиб, жуда ибодатга берилган, динга мустаҳкам ва илмли эди.

Бир кун бир ариқ бўйида таҳорат оларди. Сувда оқиб келган бир олмани кўрди. Таҳорат олиб бўлгандан кейин, барибир сувда чириб кетадиган бу олмани олиб еди. Еб бўлгач, туфлаганида тупугига қон аралашганини кўрди. Шу вақтгача бундай ҳолатга дуч келмагани учун, буни бесўроқ олиб еган олмасидан деб билиб, пушаймон бўлди. Олманинг эгасини топиб, ҳалоллашини учун ариқ ёқалаб юрди. Ниҳоят еган олмасига ўхшаган бир мевазор кўринди. Эгасини сўради. У ердагилар бу зотнинг гоят саҳий инсон эканлигини, ҳатто дарахатлардаги бутун олмаларни териб олиб

кетса ҳам, ҳеч нарса демаслигини, битта олма у учун аҳамиятсиз эканлигини айтишди. Собит ҳазратлари бу гапларга қарамай, боғ эгасини топди, воқеани гаптириб бериб, ё пулини олишини ёки ҳалоллик беришини илтимос қилди.

Боғ эгаси унинг бу ҳолини кўриб, ростдан ҳам тақво ва вароъ соҳиби эканлигини билиш учун шундай деди:

- Еган олманг учун нима берасан?

- Олтин, кумуш, нима бўлса бераман.

- Менга олтин-кумуш керак эмас. Лекин қиёматда даъвогар бўлишимни истамасанг, бир таклифим бор шунини қабул қилишинг керак.

- Қанақа таклиф?

- Қабул қиладиган бўлсанг айтаман.

- Исломиятга мос бўлса, албатта қабул қиламан.

- Кўр, кар, тилсиз ва фалаж бир қизим бор. Агар шунга уйлансанг, еган олмангни сенга ҳалол этаман, ҳаққимга рози бўламан.

Собит ҳазратлари охиратга қул ҳақи билан кетмаслик учун бу таклифни қабул қилди. Тўй ҳозирлиги кўрилди. Собит ҳазратлари илк кеча хонага кирди-ю, кириши билан қайтиб чиқиши бир бўлди. Зудлик билан қайнотасининг олдига бориб “Менимча, бир англашмовчилик бўлганга ўхшайди. Ичкарида сиз айтган қиз эмас, умуман бошқа қиз ўтирибди” деди. Қайнотаси табассум қилиб “Ўғлим, шу менинг қизим, сенинг ҳа-

лолингдир. Сенга кўр деганимнинг сабаби у ҳечқачон ҳаромга назар ташламаган, қар дейишимга сабаб ҳечам ҳаром эшитмаган, тилсиз дейишимга сабаб умуман ҳаром гапирмаган, фалаж дейишимга сабаб ҳеч қачон ҳаром жойларга бормаган. Боргин, ҳалолингни ёнига киргин. Аллоҳу таоло муборақ ва маъсуд айласин!” деди.

Мана шу никоҳдан, яъни шундай ота-онадан имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари дунёга келди.

Мусулмон ёлгон гапирмайди

Мавлоно Холид ҳазратлари Бағдоддан отида Шомга йўлга чиқади. Шомда икки киши Мавлоно ҳазратларидан “Бу бизнинг отимиз, бу киши ўғирлабди” деб қозига шикоят этади. Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари “Мен бу отни ўзимнинг отхонамдан олиб миниб келяман. Бу икки мусулмон ёлгон гапирмайди. Аллоҳу таоло ҳамма нарсага қодир. Бу иккиси отини менинг отхонамга қўйган бўлишлари мумкин. Мен эса бу отга миниб келганим учун уларнинг ҳақи ўтган. Ҳақини тўлайман” дебди.

Бу икки киши Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг буюк зот эканлигини тушуниб “Нима қилиб қўйдик? Биз ёлгон гапирдик, тавба этдик. Бу от бизники эмас” деб узр сўрадилар.

Бу сувни ифлос қилма

Шибли ҳазратлари бир куни Ҳижозга бориши учун йўлга чиқади ва йўли Бағдоддан ўтади. Шу вақтдаги халифа Хорун Рашид Шибли ҳазратларининг Бағдодга келганини эшитади. “Ҳузурларига биз борайликми ёки ўзлари бизнинг саройга келадиларми?” деб хабар юборади. Шибли ҳазратлари ўзи ёнига бориши айтиб, саройга боради.

Халифа Шибли ҳазратларига “Менга бир насихат қиласизми, ҳазрат” деб айтади. Шибли ҳазратлари “Менга бир пиёла сув келтиринг” дейди. Сўнгра халифага “Агар чўлда сувсиз қолсанг, ўлим олдида бўлсанг, бир кимса қўлида бир пиёла сув билан олдинга чиқиб “Бу сувни бераман, аммо хазинангни ярмини берасан” деса, рози бўлармидинг?” дебди. Халифа бироз ўйланиб “Албатта, бераман” деб жавоб берибди.

Шибли ҳазратлари “Яхши, бу сувни ичдинг, энди бу ичган сув, бир касаллик юзага келиб, баданингдан ташқарига чиқмай қолди. Бир табиб келиб “Мен бу сувни чиқарман, аммо бойлигининг қолган ярмини берасан” деса, рози бўласанми?” деб сўради. Халифа бироз ўйланиб “Албатта, бераман” деб жавоб берибди.

Шибли ҳазратлари “У ҳолда бир пиёла сувчалик ҳам қадри бўлмаган хазинангга ишонма” дебди. Халифа йиғлаб “Менга яна бир насиҳат қилинг” дебди.

Шибли ҳазратлари “Сиз сувнинг бошидасиз. Аллоҳу таоло Пайғамбар жанобимиздан бери оқиб келаётган исломият сувининг ҳимоячиси бўлишни сизга насиб этди. Бу сувни ифлос қилманг, ифлос қилишларига ҳам йўл қўйманг. Бидъат аралаштирманг, уни топ-тоза қилиб сақланг” дебди.

Қозининг уч камчилиги

Ҳазрати Умар халифалиги вақтида Химиснинг бошчиларига хат ёзиб, атрофдаги фақирларга ёрдам бериши учунулар ҳақида маълумот сўради. Химисликлар Шом ва атрофидаги фақирларнинг рўйхатини халифа ҳазрати Умарга тақдим этдилар. Ҳазрати Умар рўйхатнинг бошида қози этиб тайинлаган Саъд бин Амирнинг исмини кўриб, рўйхатни олиб келганлардан қозининг мол-мулки ҳақида сўради. Улар “Қозимиз ҳақиқатдан ҳам жуда фақир. Қўлига тушганни фақир фуқароларга тарқатади. Пора бўлиб қолиш кўрқувидан бизнинг энг кичик ҳадямизни ҳам олмайди” дедилар.

Ҳазрати Умар “Аллоҳдан шундай кўрқадиган қозингизнинг, сизларга ёқмаган тарафлари ҳам борми?” деб сўради.

Улар “Ҳа, бор” деб қуйидагиларни билдирдилар:

1. Вазифасини бомдод намозидан кейин бошлаши керак бўлгани ҳолда чошгоҳ вақти ишга чиқади.

2. Уйига кириб кетиб, бизга кўшилмайди.

3. Ҳафтада бир кун уйдан ташқарига чиқмайди. Эшикни ичидан қулфлаб олади.

Ҳазрати Умар уларга биров ейдиган ва киядиган нарсаларни бериб юборди. Юқоридагиларни ўрганиш учун Қози Саъд бин Амирни ҳузурига чақиртирди. Қози ҳазрати Умарнинг ҳузурига келиб, аҳволни тушунтирди:

Биринчи камчилигим, оилам хаста бўлгани учун уйнинг бутун ишларини ўзим қиляпман. Шу сабабдан вазифамга фақат чошгоҳ вақти чиқяпман.

Иккинчиси эса, шом бўлгач, кун бўйи қилган ишларимни ҳисоб-китоб қиламан, қилган ишларимда камчилик бўлмадим деб, тадқиқ қиламан.

Учинчиси, устимдагидан бошқа киядиган либосим йўқ. Ҳафтада бир кун кийган кийимларимни ювиб, тозалик ишлари билан машғул бўламан. Ҳатто уйда ҳам киядиган бир кийимим бўлмаганидан ювган либосларим қуригунча, ҳеч ким билан кўришолмайман.

Саъд бин Амирнинг бу изоҳлари ҳазрати Умарни жуда мамнун қилди ва кейинчалик Саъдни эслаганида “Эҳ Саъд, Аллоҳ қўрқуви сени нақадар юксакларга олиб чиқди” деб у билан фахрланарди.

Кибрнинг зарари

Гуноҳга битта тавба кифоя қилади, лекин тоатга мингта тавба ҳам етмайди. Гуноҳ қилган киши тавба қилса, Аллоҳу таоло уни мағфират қилади. Лекин ибодат қилган киши шу ибодати туфайли фахрланиб, кибрга берилиши мумкин. Бунга мингта тавба ҳам кифоя қилмайди. Бани Исроилда бир фосиқ бор эди. Яна ўша қавмда битта обид (ибодатгўй) ҳам ибодати билан шуҳрат қозонганди. Ҳалиги фосиқ бу обиднинг ёнидан ўтиб кетаётиб “Бориб, шу обиднинг ёнида бирпас ўтирайин. Балки Аллоҳу таоло унинг ҳурматига мени ҳам мағфиратига олар” деб ўйлади. Бориб обиднинг ёнига ўтирди. Обид эса устида булут соя қилиб юргани учун кибрланиб “Манави фосиқ менинг ёнимга келиб ўтиришига қандай журъат қилди? Тенг тенги билан-ку ахир” деб ундан юзини ўғирди. Бундан дили ранжиган фосиқ ноилож ўрнидан туриб кетди. Аммо обиднинг устига соя қилиб юрган булут ҳам фосиқ билан бирга сузиб кетди. Аллоҳу таоло ўша

замоннинг пайгамбарига **“Инсонларга ниятларига қараб муомала қиламан. Фосиқнинг гуноҳларини унинг ўша яхши нияти сабабли кечирдим. Обиднинг бутун ибодатларини эса, кибру ҳавоси дастидан йўқ қилдим”** деб ваҳий туширди.

Гапир, эй Жунайд

Жунайди Бағдодий ҳазратлари устози ҳаётлигида одоб сақлаб, 30 йил дин ҳақида гапирмаганди. Яъни ўртага чиқиб ваъз-насиҳат қилмаганди. Бир куни тушида Расулulloҳни кўрибди. Расулulloҳ унга **“Гапир, эй Жунайд”**деб амр этади.

Тонг отгач, буни устозига қадайдан айтишини билмай тараддудланиб, устозининг уйига боради. Эшикни қоқиб, устозининг ҳузурига киради. Ҳали гапиришни бошламасдан туриб устози **“Гапир, эй Жунайд, худди шу тушни мен ҳам кўрдим”** деб айтади.

Муҳаммад Ходимий ҳазратлари

Маҳмуд Хон I Мадинаи мунавварага борганди. Шу вақтлар Ҳарам қўриқчиси бўлган Ҳожси Башир Огадан **“Ҳарамни шарифда бўлган вақтингда бу ерда заройиб бир ҳодиса бўлдими?”** деб сўради.

У бу воқеани айтиб берди:

“Равзаи Мутаҳаррадаги Жибрил эшиги баъзи кечалари саҳар вақти очилади. Аммо ичкарига бировнинг кирганини кўрмасдим. Бир куни эрталабгача ухламай, қандай баҳо билан бўлса ҳам бунинг ҳикматини билишга қарор қилдим. Бир неча кун кузатдим. Бир кеча эшик яна очилди. Дарҳол югурдим, ичкарида бир зот бор эди. Кимлигини сўрадим. Менга Коня Ходимдан эканлигини айтди. Имом Биргивийнинг “Тариқати Муҳаммадия” номли китобини шарҳ этганлигини, шубҳа этган баъзи жойларни шахсан Расулуллоҳдан ўрганишга келганини айтди. Уни ўзимнинг хонамга олиб келдим. Бироз вақтдан кейин мендан кетишга рухсат сўради. Мен бомдод намозидан кейин яна хонамга ташириф буюришини илтимос қилдим. У “Мамлакатимда имомлик вазифам бор, менга рухсат бер” деди ва хонадан чиқиб кетди. Бундан сўнгра ҳам гоҳи-гоҳида келиб турарди, у билан кўришардик...”

Маҳмуд Хон I воқеанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун мамлакатининг бир неча олимлари билан Муҳаммад Ходимий ҳазратларини ҳам ҳузурига чақирди. Сўнгра Ҳожи Башир Оғани чақирди. Ҳожи Башир Оға бу кўпчилик орасидан Муҳаммад Ходимий ҳазратларини таниб, унинг олдига бориб “Хуш келиб-сиз” деди. Подишоҳ ва у ердаги кишилар ҳам воқеанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар.

Мутазила, Жабриячи ва атеист

Имом Аъзам ҳазратларига бир атеист, бир мутазила ва бир жабриячи келади. Атеист сўрайди:

“Аллоҳ бор бўлса, бор бўлган нарса кўринади. Борлигини исбот эт.”

Ўзини ақлли ҳисобловчи мутазила фирқасидаги кимса сўради:

“Жаҳаннамда олов бор. Шайтон ҳам оловдан яратилган. У ҳолда шайтонга жазо бериш мумкинми?”

Жабриячи сўрабди:

“Сен иродаи жузиа бор дейсан. Ҳамма нарсанинг яратувчиси Холиқ бўлса, инсон нимаям қила оларди?”

Имом Аъзам уч ҳовуч нам тупроқдан тўп ясаб, уч тўпни уччовига отади. Уччови ҳам қозига бориб, унинг устидан шикоят қиладилар. Қози имом Аъзамни чақириб, нимага уларга лой отганининг сабабини сўрайди.

Имом Аъзам ҳазратлари айтадики: **“Улар менга савол бердилар. Мен эса жавоб бердим. Атеист Аллоҳ бор бўлса, бор бўлган нарса кўриниши керак деди. Тупроқ бошимни озритди деб сизга шикоят қилмоқда. Модомики озриётган бўлса, озриқни**

менга кўрсатиши лозим бўлади. Агар озриқни кўра олмайтган бўлса, Аллоҳни қандай кўради. Атеист ақлсиздир, ақли бўлса кўрсатарди. Рух ҳам ақл каби кўринмайди. Аммо қилганларидан билинади. Коинотнинг бор бўлиши ҳам унинг бир яратувчиси бўлиши кераклигини кўрсатади.

Мутазила эса тупроқдан яратилгани билан лойдан озор чекмоқда. Тупроқ тупроққа таъсир этганидек, олов ҳам оловга таъсир этади. Темир арра темирни кесгани каби олов ҳам оловни ёқади.

Жабриячи эса “Аллоҳ ҳар ишни мажбуран қилдиради” дейди. Уҳолда булойни Аллоҳ отди, нега мендан шикоят қилади. Ўзлари ўзларини ёлгончига чиқармоқда.”

Ҳазрати Имомнинг бундай қисқа жавоблари кўп. Масалан, бир атеист билан соат ўнда учрашиб, мунозара этиши учун келишдилар. Ҳазрати Имом атайлаб учрашувга бир соат кеч келади. Атеист имомнинг кечикканига “Имомингиз кўрқиб, келмаяпти” дейди. Имом келгач, нимага кечикканлигини сўрайди. Имом “Қайиқ йўқ экан. Дарёдан ўтолмадим. Қарасам, дарахтлардан синиб тушган шохлар ўз-ўзидан қайиқ бўлишни бошлади. Қайиқ тайёр бўлгач, уни миниб, дарёдан ўтдим. Шу сабабли кеч қолдим” деб жавоб берибди. Атеист унинг устидан кулиб “Кўрдингизми,

қандай ёлгончи. Ҳеч замон ўз-ўзидан, бир устаси бўлмасдан қайиқ қуриладими?” дейди. Ҳазрати Имом дарҳол жавоб беради: “Эй атеист, бир қайиқ устасиз ўз-ўзидан бўла олмаса, бу улкан коинот қанақасига ўз-ўзидан ҳосил бўлади.” Шу тариқа атеист билан мунозара этмасдан туриб, голиб чиқади.

Яна бир атеист “Агар Аллоҳ бор бўлса, бошланғичи бўлмагани каби сўнгсиз ҳам бўлолмайди. Яъни Аллоҳ азалий ва абадий эмас” дейди. Ҳазрати Имом “**Бирдан аввал сон борми?**” деб сўрайди. Атеист “Йўқ” деб жавоб беради. Ҳазрати Имом “**Бўлмаса, сонларни охиригача сана**” дейди. Атеист бироз санагандан кейин тўхтабди. Имом “**Давом эт, охиригача сана**” дейди. Атеист “Миллион, миллиард, триллион, каттриллион... Буларнинг охири йўқ” дейди. Ҳазрати Имом “**Сонларнинг 1дан аввали ва охири бўлмаганига кўра, коинотнинг яратувчиси азалий ва абадий бўла олмайдими?**” дейди.

Имом орқасида нима учун Фотиҳа ўқитмайсан деганларга шундай жавоб беради:

“Сизлар қирқ кишисиз. Барчангизни алоҳида-алоҳида инонтирайми ёки энг ишонганингиз илм соҳиби инонса, сизлар ҳам қабул этасизларми?”

Одамлар “Қабул этамиз” дейдилар. Шунда ҳазрати Имом “**Мунозара бошланмасдан тугади. Сизлар**

қирқ кишидан бирига ишонасиз, уни танладингиз. Мен ҳам имомнинг ўқигани етади, жамоатнинг ўқиши керакмас демоқдаман. Сизлар бир кишига қандай ишонган бўлсангиз, мен ҳам имомга шундай ишондим” деб жавоб беради.

Нимангга ишониб кибрланяпсан?

Боязид Бистомий ҳазратлари бир куни тоза, янги либосларини кийиб, тор кўчадан масжидга кетаётганда йўлнинг ўртасида ётган бир хўтир итга дуч келади. Кўча шунчалик торки, икки ёнма-ён зўрға юради. Бу муборак зот тўрт мазҳабнинг шартларига ҳам риоя этгани учун ва Шофий мазҳабида ит нажс бўлгани учун бу итга тегиб, кийими ифлос бўлмаслиги учун этакларини кўтариб, унинг ёнидан ўтаётганида ит инсон тили билан “Эй Боязид, сен ким бўлибсан. Мени хўтир ит қилиб яратган ҳам, сени Боязид Бистомий қилиб яратган ҳам бир Аллоҳдир. Мени ит қилиб яратган Раббим, мени Боязид сени хўтир бир ит қилиб ярата оларди. Нимангга ишониб кибрланяпсан?” деди.

Боязид ҳазратлари бу ишидан жуда пушаймон бўлди.

Улар уй ҳам қурадиларми?

Нух алайҳиссалом замонида инсонларнинг умри узун бўлган экан. 800-1000 йил умр сурар эканлар. Бир аёлнинг ўғли вафот этибди. Бу аёл қаттиқ қайғуриб, йиғлабди. Қўшни аёллардан бири айтибди:

- Нимага бунча йиғлайсан. Аллоҳу таолонинг тақдири шундай экан.

- Албатта шундай. Мен унга йиғламаяпман.

- Унда нимага йиғлаяпсан?

- Болам кўп яшамади деб, оналик шафқатим билан йиғлаяпман.

- Боланг неча ёшда эди?

- 275 ёшда эди.

- Агар сен бунга йиғлайдиган бўлсанг, охир замонда келадиган уммат нима қилсин, умрлари 50-60 йил бўлади.

- Жиддий айтяпсанми?

- Албатта.

- Аллоҳ, Аллоҳ, улар уй ҳам қурадимми?

- Ҳа, яна битта эмас, бир нечта уй қураар эканлар.

- Мен уларнинг ўрнида бўлсам, чодиримнинг қозигини ҳам ўзгартирмасдим.

Уни фаришталар чўмилтирди

Ухуд жангида уйланганига бир кун бўлганига қарамай Пайғамбар жанобимизнинг амрига бўйсунган ҳазрати Ханзала ҳам иштирок этганди. Жанг тугагач, мусулмонлар Мадинага қайта бошладилар. Жангда иштирок этганларнинг яқинлари бизникилар қайтиб келармикан деб ҳаяжон билан йўлга чиқиб кутмоқда эдилар. Уларнинг орасида уйланганига бир кун бўлган ва Пайғамбар жанобимизнинг амрига бўйсуниб, ярим кечаси жангга чиқиб кетиб, шаҳид бўлган ҳазрати Ханзаланинг келинчаги ҳам бор эди. Барча ҳаяжон билан жангдан қайтганлардан ўзининг яқинларини сўраб-суриштирардилар. Аммо ҳеч ким буларга жа-воб бермас. Саволларга фақат севгили Пайғамбар алайҳиссалом жавоб берарди.

Энг охирида савол бериш навбати Ханзаланинг келинчагига келди. Расулulloҳ жанобимизга яқинлашиб сўради: “Эй Аллоҳнинг Расули, Ханзала қаерда?”

Севгили Пайғамбаримиз “**Ханзала шаҳид бўлди**” деб жавоб берди.

Шунда Ханзаланинг келинчаги ерга қараб, наст овозда: “Ё Расулulloҳ, ҳозир гапирадиган нарсам оила сиридир. Сизларга маълумки, Ханзала билан ҳаётимизнинг илк кечаси эди. Ханзала сизнинг муборак

амрингизга бўйсуниб, гусл таҳоратини олмасдан жангга қатнашди. Шу сабабдан амр этинг, эримни топиб, уни ювсинлар” деди.

Пайгамбар жанобимиз айтдики:

“Сен Ханзала учун ҳечам хавотирланма. Мен Ханзалани фаришталар чўмилтираётганини кўрдим.”

Шунинг учун унга **“Ғасилул малоика”**, яъни **“Фаришталар гусл олдирган Ханзала”** дейилади.

Рамазонга ҳурматнинг натижаси

Рамазон ойи эди. Мусулмон маҳалласида яшайдиган бир мажусийнинг кичик ўгли рўзадор мусулмонларнинг орасида нон еб юрганди. Отаси ўглининг бу ишини кўриб **“Ўғлим, мусулмонлар орасида овқатланадими? Улар бу кунларда рўза тутмоқдалар, бу кунлар улар учун муборак кунлардир. Ҳурмат кўрсатиши керак”** деб унга дашном берди ва **“Бор, уйга кириб е”** дея ўглини уйга киритиб юборди.

Бу воқеадан бир неча йил кейин бу мажусий вафот этди. Унинг ўлиmidан кейин шу шаҳардаги бир мусулмон тушида уни Жаннати аълода кўрди. Мажусийга **“Бу неъматга қандай эришдинг? Биз сени мажусий деб ўйлардик. Ҳатто ўлганингда жаноза**

намозини ҳам ўқимадик” деди. Мажусий “Ҳа. Тўғри айтасан. Мен бир мажусий эдим. Аммо бир куни кичик ўғлим мусулмон маҳалласида улар рўзадор бўлгани ҳолда ҳамманинг ичида овқат ерди. Мен боламнинг ҳамманинг кўз ўнгида овқатланишига рухсат бермадим. Мусулмонлар ҳурмат кўрсатган бир нарсага мен ҳам ҳурмат кўрсатагим учун Жаноби Аллоҳ касалланиб ётганимда мени мусулмон этиши билан шарафлантирди. Мусулмон бўлиб вафот этганим учун бу неъматларга қовушдим” деб жавоб берди.

Сенга Расулуллоҳнинг саломи бор

Қарзини тўлолмасдан юрган бир фақир Равзаи Мутаҳҳарага келиб “Ё Расулуллоҳ, шафоат эт, қарзимни тўлай олмаяпман” деб аҳволидан арз этди. Бироздан кейин уйқу босиб, ухлаб қолди. Тушида Пайгамбар жанобимизни кўрди.

Расулуллоҳ “Фалон жойга бор, у ерда шундай бир бадавлат зот бор. Унга саломимни айтиб, қарзингни узадиган миқдорда пул сўра. Тўғри гапираётганингга далил сўраса, ҳар куни менга 100 саловот айтмасдан ухлмасди, кеча унутди. Шунини эслатгин, бу оқшом унутган саловотини ҳам айтсин” дедилар.

Ҳаяжонда уйгонган фақир бадавлат одамни қидира-қидира топди. Бу одамнинг уйига борганида уни сомонхонада сомон элаётганини кўрди. У сомон ичига беш тийин тушириб қўйиб, шуни топиш учун бутун сомонхонани элакдан ўтказмоқда эди. Фақир кимса унинг бу ҳолини кўриб таажжубланди, аммо мен ўз вазифамни бажарайин деб Расулulloҳнинг саломини айтди: “Расулulloҳнинг сенга саломи бор. Саловот келтиришни кеча оқшом унутибсан, шуни бугун кечқурун айтишингни буюрди. Мен эса қарздор бир кимсаман. Менинг 300 дирҳамлик қарзимни тўлашинг учун Пайгамбар жанобимиз мени сенга юборди” деди.

Пайгамбар жанобимиздан салом келиши бу одамга жуда ёқди. Нима деди, нима деди деб уч марта такрорлатди. Яна такрорлашини сўраганида фақир кимса мени масхара қиляпти деб ўйлаб, ортига қайтмоқчи бўлди. Аммо бадавлат киши унинг йўлини тўсиб “Мен сенинг оғзингдан Расулulloҳ жанобимизнинг саломини кўпроқ эшитиш учун уч марта такрорлатдим. Ҳар айтганингга 300 дирҳамдан бераман. Агар яна такрорлаганингда уларга ҳам 300 дирҳамдан берардим” деб фақирга 900 дирҳам бериб, уни жўнатди.

Эрталабгача намоз ўқи, хотирлайсан

Бир киши пулини сақлайдиган жойини унутиб қўйди. Қанчалик ўйламасин, бир неча кун ҳамма жойини қидиришига қарамай яширган жойини тополмади. Менинг бу дардимга бир чора топадиган бўлса, шу топади деб, тўғри имом Аъзамнинг ҳузурига борди.

Имом Аъзам айтдики: “Бу сенинг масаланг фикҳга алоқадор эмас. Аммо сенга бир маслаҳат бераман. Сен бориб бугун тонггача намоз ўқи, умид қиламанки, пулни яширган жойингни эслайсан.”

Бу киши эрталабгача намоз ўқишга қарор қилиб, таҳорат олди. Намоз ўқишини бошлади. Кечанинг ярми бўлмасдан пулни қаерга қўйганини эслади. Намозни тўхтатиб, пулни қўйган жойидан олиб, ётди.

Тонг отгач имом Аъзамга “Аллоҳ сендан рози бўлсин, бу дардимга чора топдинг. Кечанинг ярмида пулни қўйган жойимни эсладим” деганида ҳазрати Имом “Кошкийди тонгга қадар ибодат билан машгул бўлсайдинг. Чунки шайтон тонггача ибодат этишингга чидай олмаганлиги учун кечанинг ярмидаёқ сенинг эсингга туширди. Тонггача шуқр намозини ўқиганигда жуда яхши бўларди. Сен пулни топишинг билан намозни тўхтатдинг” деди.

Соҳибини ким билмайди

Ислом олимларининг буюкларидан Абдуллоҳ бин Муборак бир неча қўй боқиб юрган болани кўрди. Унга ачинди. “Бечора бола! Кичиклигидан қўй боқяпти. Улғайгач, Аллоҳу таолонинг ибодат ва маърифатига қандай қовушади” деб ўйлади. “Бориб, болага Аллоҳу таолони таниши учун бир масала ўргатайин” деб унинг ёнига келди. Уларнинг орасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

- Ўғлим, Аллоҳу таолони биласанми?
- Кул ўз соҳибини қанақасига билмаслиги мумкин...
- Аллоҳу таолони қандай танидинг?
- Мана шу қўйлар ёрдамида танидим.
- Бу қўйлар билан Уни қандай танидинг?
- Бу бир неча қўй чўпонсиз ҳеч нарса қилолмайди.

Уларни ҳимоя қиладиган биттаси керак. У уларга сув ва ўт берсин, бўри ва бошқа хавфлардан сақласин. Шундан тушундимки, бу оламдаги ҳамма нарса инсонлар, жин, ҳайвонлар, жониворлар, қанотли қушлар Яратувчисиз бўла олмайдилар. Мана шундай қилиб, қўйлар орқали танидим.

- Аллоҳу таолони қандай деб биласан?
- Ҳеч нарсага ўхшатмасдан биламан.
- Бундай эканлигини қаердан билдинг?

- Яна шу кўйлардан.

- Қанақасига?

- Мен чўпонман. Уларнинг ҳимоячисиман. Улар менинг ҳимоям ва тасарруфимдалар. Улар менинг нима ўйлаётганимни ва нима қилишимни билмайдилар. Уларга диққат билан қарадим. На улар менга ўхшайди, на мен уларга ўхшайман. Демак, чўпон кўйларига ўхшамаса, Аллоҳу таоло ҳам ўзи яратган қулларига ўхшамаслиги билдим. “Унга ўхшаган ҳеч нарса йўқ, у ҳамма нарсани эшитади ва кўради.”

- Яхши нарсаларни айтдинг. Бирор илм ўрганганмисан?

- Мен бу саҳроларда қанақасига илм ўрганаман?

- Яна бундан бошқа нималарни биласан?

- Уч илм биламан. Кўнгил илми, тил илми ва бадан илми.

- Булар нима?

- Кўнгил илми шуки, менга қалб берди. Уни Ўзини таниш ва севиш жойи қилди. Бу қалб билан Уни танийман. Унинг севганларига кўнглимда ер бераман. Севмаганларига жой бермайман ва улардан узоқ бўламан.

Тил илми шуки, менга тил берди. Тилни зикр этиш, Унинг исмини сўзлаш жойи қилди. Бу билан Уни хотирлаб, исмини сўзлашни, У ҳақида бўлмаган сўзлардан сақлашни, бундай гаплардан узоқ бўлишни устади.

Бадан илми шуки, менга бадан берди. Бу билан Унга хизмат этадиган барча нарсани қиламан. Хизмат бўлмаган нарсани эса баданимдан узоқлаштираман.

- Мошаллоҳ, ўғлим. Менга айтадиган гапинг борми?

- Эй жаноб! Олим эканлигинг юзингдан билиниб турибди. Агар илми Аллоҳ розилиги учун ўрганган бўлсанг, инсонлардан исташни йиғиштир. Йўқ, дунё учун ўрганган бўлсанг, Жаннат орзу ва истагини қалбингдан чиқар.

Сен қўлингдан келганини қилдинг

Ўзини ичкиликдан қутқара олмаган бир мусулмон хизматчисига тўрт дирҳам бериб, ичкилик келтиришини сўрайди. Хизматчи кетаётиб Мансур бин Аммор деган кимсанинг бир фақирга ёрдам бериши учун пул йиғаетганини кўради. Мансур “Бир фақирга тўрт дирҳам берганга тўрт дуо қиламан” дерди. Хизматчи унга тўрт дирҳамни беради. Мансур айтдики:

- Нима деб дуо қилишимни истайсан?
- Хизматчиликдан озод бўлишни истайман.
- Иккинчи истагингни айт.
- Бу берган тўрт дирҳам меники эмасди. Буни мен-

дан сўрайдилар. Тўрт дирҳам пулим бўлишини истайман.

- Учинчи истагинг нима?

- Хўжайиним тавба қилиб, ичкиликни ташлашини истайман.

- Тўртинчи истагинг нима?

- Аллоҳу таолонинг мени, хўжайинимни, сени ва қавмимизни авф этишини истайман.

Мансур бин Аммор ҳамма айтганлари учун керакли дуоларни қилади. Хизматчи уйига боргач, хўжайини нимага кеч қолганининг сабабини сўрайди. Хизматчи бўлиб ўтган воқеани айтиб беради. Хўжайини сўрайди:

- Сен нималарни истадинг?

- Хизматчиликдан, қулликдан қутулишини истадим.

- Яхши, сени озод этдим. Бошқа нима истадинг?

- Тўрт дирҳам сўрадим.

- Мана тўрт дирҳам. Яна нима истадинг?

- Тавба этиб, ичкиликни ташлашингизни сўрадим.

- Тавба қилдим. Яна нима?

- Аллоҳу таолонинг барчамизни авф этишини сўрадим.

Хўжайини жим қолади ва “Буниси энди менинг қўлимда эмас” дейди. Шу кеча тушида “Сен қўлингдан келганини қиласану, биз қўлимизда бўлганини

қилмаймизми? Сени ҳам, хизматчини ҳам, Мансурни ҳам ва шу ерда бўлган барчани авфу магфират қилдик” деган овозни эшитади.

Сенда кибр бор

Абдулваҳҳоб Шароний ҳазратларининг устози Шайх Закария Ансорий ҳазратларидир. Бу зотнинг ҳам буюк устози бор эди. Бир куни устози билан ўтирганида Хизр алайҳиссалом келди. Сухбат сўнггида Хизр алайҳиссалом бу зотнинг устозига “Сенинг бу талабангининг катта бир айби бор. Унинг бундан ортиқ камолотга эришиши мумкин эмас. Бундан тавба этмагунча қутулолмайди” дейди ва кўздан гойиб бўлади. Шайх Закария Ансорий ҳазратлари “Устоз, Хизр алайҳиссаломни чақиринг, мен бу айбим нима эканлигини билиб олай” деб ёлворди. Аммо устози “Хизр алайҳиссалом чақирган билан келмайди. Ўзи қачон истаса, шунда келади” деб жавоб беради. Бу зот кунларча тавба этади, қандай камчилиги бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлайди, аммо тополмайди. Бир куни яна устози билан бирга ўтирганида Хизр алайҳиссалом келади. Шу заҳоти бу айб ҳақида сўрайдилар. Хизр алайҳиссалом “Сенда кибр бор. Ёзган ёзувларинг тагига “Шайх Закария Ансорий” деб

имзо қўясан. Шайхлик қаерда-ю, сен қаердасан” деб жавоб беради. Шайх Закария Ансорий ҳазратлари дарров тавба этиб, бундан кейинги ёзган ёзувларининг тагига “Инсонларнинг энг тубани Закария” ва шу каби сифатлар билан исмини ёза бошлади. Аммо ўзи ҳақиқатан Шайх эди.

Шайх Закария Ансорий замонида истиқомат қиладиган ернинг султони бир қарор қабул қиладди. Аммо бу қарорнинг динга мос бўлмаган ва халққа зарар берадиган томонлари бор эди. Шайх Закария Ансорий бунди эшитгач, зудлик билан отига миниб, Султоннинг ҳузурига йўлга чиқади. Султоннинг одамлари бунди эшитиб Султонга “Султоним, Шайх ҳазратлари келмоқда” дейдилар. Султон “Э воҳ, қалъанининг дарвозаларини бекитинглар, занжирланглар” деб буюради. Дарвозаларни беркитиб, занжирлайдилар. Ҳазрат дарвозага келгач, қўлидаги дафтарни занжирларга теккизади. Занжирлар узилиб, дарвозалар очилади. Ҳазрат тўғри Султоннинг олдига боради. Султон “Устоз нима гуноҳ ишладик? Айбимиз нима?” деб сўрайди. Шайх Закария Ансорий ҳазратлари Султонга “Фалон амрим нотўғри. Тўғриси мана бу деб ёз” дейди ва кераклисини ёздиради. Сўнгра чиқиб кетади ва кетаётганида “Мана энди дарвозаларни бекитиб ол” дейди.

Бисмиллоҳга хурмат

Бишир Хофий ҳазратларининг тавбаси шундай бўлган:

Ёшлигида ичкиликка мубтало бўлганди. Бир куни йўлда сархуш ҳолида кетаётиб, устига “Бисмиллоҳ” деб ёзилган қоғозни кўриб қолди. Бунга қаттиқ юраги сирқираб, қоғозни ердан олиб ўнди. Лойларини артиб, тозалагандан кейин гўзал ҳидлар суриб, уйида адеворга илиб қўяди.

Кечаси олим бир зот туш кўради. Тушида “Бор, Биширга айт. У бизнинг исмимизни тозалади. Биз унинг қалбини тозалаймиз. У бизнинг исмимизни улуглаб, юқорига осди. Биз ҳам унинг исмини улуглаб, буюк қулларим орасига қўшамиз. У бизнинг исмимизга гўзал ҳидлар сурди, биз ҳам унинг шахсини қиёматгача мусулмонлар учун гўзал ҳидлар сочадиган юлдуз қилдик” дейилди. Бу туш уч марта такрорланди.

Туш кўрган зот тонг отгач, Бишир Хофийни излаб майхонадан топди. Бишир келган зотга дедики:

- Менда сизнинг қандай ишингиз бўлиши мумкин? Мендан нима истайсиз?

- Сен учун муҳим хабарим бор.

- Ким ҳақида айтмоқчисиз?

- Аллоҳу таолодан...

Бунни эшитган Бишир йиғлашни бошлади ва сўради:

- Ҳолим маълум. Менга шиддатли азоб берадимми?

У зот тушини айтиб беради. Бишир дўстларига қараб шундай деди:

- Эй дўстларим! Мени чақирдилар, бундан кейин мени қайтиб бу ерларда кўрмайсизлар.

Сўнгра бу зотнинг ёнида тавба этди. Шу вақт оёғида пойафзали бўлмагани учун бундан кейин ҳам ҳеч пойафзал киймади. Сабабини сўраганларга “Сўз берган вақтим оёқ кийимсиз эдим, энди кийишга ҳаё этаман” деб жавоб берарди. Пойафзал киймагани учун унга “Хофий” (яланг оёқ) дердилар.

Ҳақиқий олимларнинг ҳоли

Султон Аҳмад Хон бир куни ўзига мос бўлган бир ҳадяни шайх Азиз Маҳмуд Худойи ҳазратларига юборди. Аммо шайх ҳазратлари қабул қилмади. Албатта бу қабил қилмаслик султонга қаршилик кўрсатиши маъносига келмасди. Буюклардан кўпчилиги принципиаллик қилиб ҳадя қабул этмасдилар.

Султон Аҳмад шайхнинг қабул этмаган ҳадясини яна шу даврнинг маънавият улуғларидан Абдулмажид Сивосийга юборди. У қабул этди. Унга султони худди шу ҳадяни Азиз Маҳмуд Худойи ҳазратларига юбор-

ганини, аммо у қабул этмаганини айтдилар. Сивосий ҳазратлари буюкларга хос йўл тутди:

“Шайх Худойи бир қарга эмаски, ўлакساني қабул этадиган” деди.

Азиз Маҳмуд Худойига ҳам “Сиз қабул этмаган ҳадяни шайх Сивосий қабул этди” дедилар. Унинг жавоби шундай бўлди: **“Унинг учун ҳеч бир зарари йўқ. Чунки у шундай катта уммон, катта денгизки, бир парча лойнинг ўзини ифлослантирмаслигини билди.”**

Гуноҳ хасталигининг дориси

Боязид Бистомий ҳазратлари бир куни руҳий хастахона ёнидан ўтиб кетаётганида биттасининг тўқмоқ билан бир нарсаларни ўраётганини кўриб, ундан сўради:

- Нима қиляпсан?

- Телбаларга дори қиляпман.

- Менинг касалимга ҳам бир дори тавсия этасанми?

- Қандай касаллик?

- Гуноҳ ишлаш.

- Мен гуноҳ касаллигини тушунмайман... Мен телбаларга дори қиламан.

Шунда бу гапларни эшитиб турган бир телба Боязид Бистомий ҳазратларига деди:

- Сенинг касаллигинг давосини мен айтаман. Тавба ҳиди билан истиғфор баргини аралаштир. Қалб ҳовончасида тавҳид тўқмоғи билан майдала. Инсоф элагидан ўтказ. Кўз ёши билан суюлтир. Ишиқ тандирида пишир... Тонг ва шомда кўп-кўп е... Шунда сенинг касалингдан асар ҳам қолмайди.

Бистомий ҳазратлари “**Эҳ, олчоқ дунё! Демак сени ҳам телба деб бу ерга олиб келибдилар**” деб у ердан кетди.

Сен нимага йиглаяпсан?

Ҳасан Басрий ҳазратларига бир зот келиб “Менинг бир қизим бор, кеча-кундуз йиглайвериб, кўзлари кўр бўлди. Бунинг давоси йўқми?” деб ёлвориб сўради. Ҳасан Басрий ҳазратлари қайғуга ботиб, унинг уйига борди. Қиздан нимага йиглаганлигини сўради. Қиз дедики: “Жаноб, мен Раббимга ошиқман. Унга ошиқлигим сабабли йиглаяпман. Гапимни ва ҳолимни тушунадиган йўқ. Сиз бўлмаганингизда буни яна айтмасдим. Кўр бўлган кўзларим учун ҳам сиқилмайман. Агар бу кўзлар охиратда Аллоҳу таолони кўра олса, унга минглаган кўз фидо бўлсин. агар бу кўзлар буюк

Аллоҳни кўришга лойиқ бўлмаса, уларни кўз деб олиб юришининг нима фойдаси бор? Охиратда кўр бўлсалар, дунёдалигида ҳам кўр бўлиб кетсин.”

Ҳасан Басрий ҳазратлари “Шундай давом эт, қизим. Ҳеч қайгурма. Пайгамбар жанобимиз **“Киши севгани билан бирга бўлади”** деб суюнчилаганлар. Биз аслида бу ерга насиҳатчи ва табиб сифатида келгандик. Даволамоқчи эдик. Ҳолбуки ўзимизга насиҳатчи ва табиб топиб, кетяпмиз” деди.

Аслида хаста менман

Жунайд Бағдодий ҳазратларининг кўзларида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Барчага яхшилик қиладиган, сахийлиги билан машҳур бўлган бир табибни чақиришди. Бу табиб насроний эди. Кўздан кечиргандан кейин “Кўзларингизга асло сув текказманг, сув тегса кўр бўлиб қоласиз” деди. Жунайд Бағдодий ҳазратлари “Кўзларимга сув текказмай, қандай таҳорат оламан?” деганида “Агар кўзларингиз сизга керак бўлса, сув текказмайсиз” деди. Жунайд Бағдодий ҳазратлари таҳорат олиб, намоз ўқиди ва намоздан кейин бироз ухлади. Тушида “Кўзларини Аллоҳ учун, Аллоҳнинг амри бўлган намоз учун фидо этган банданинг кўзларига шифо берамиз” дейилди. Уйғонганида кўзларидаги оғриқ қолмаганди.

Эртасига назорат учун келган табиб кўзларининг бутунлай соғайиб кетганини кўриб, ажабланди. Ҳайратомуз оҳангда “Бундай иллатнинг бир кунда бутунлай йўқолиши тиббиёт тарихида кузатилмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қандай соғайиб кетди?” деб сўради.

Жунайд Бағдодий ҳазратлари тушини айтиб берди. Табиб дарров эгилиб қўлини ўпиб, имон келтирди: “Аслида хаста сиз эмас, мен эканман. Сизнинг кўзларингиз озриган бўлса, меники кўр экан. Ҳақиқатни кўролмаган мен эканман” деди.

Ҳикмати илоҳийга қаранг, сахий ва яхшилик қилувчи бир насронийнинг ҳидоятга қовушиши учун Аллоҳу таоло Жунайд Бағдодий ҳазратларининг кўзларига озриқ беради. Шу тариқа табибнинг ҳидоятига сабаб қилади.

Йигирма сонияда қилдирмоқчимисан?

Жунайд Бағдодий ҳазратларига бир куни шайтон айтибди:

- Эй Жунайд, сен каби юксак даражага етишган бошқа бир зотни билмайман. Йигирма йилдан бери сенга ҳеч бир истаганимни қилдиришига муваффақ бўлмадим. Бунга қандай эришдинг?

Жунайд Бағдодий ҳазратлари дедики:

- Даф бўл, малъун! Энди мени ўзини ёқтириш касаллигига дучор қилмоқчимисан? Йигирма йилда қилолмаганингни йигирма сонияда қилмоқчимисан? Кўзимдан йўқол!

Ичингизда энг гуноҳкори менман

Аҳмад Руфаи ҳазратлари бир куни талабаларига “Ичингизда ким менда бир айб ёки менга ярашмаган бир ҳолни кўрса менга билдирсин” деди.

Талабаларидан бири айтдики:

- Устоз, сизда бир катта айб бор.

- Сўзла, биродарим. Қандай айбим бор?

Талаба кўзлари ёшига тўлиб дедики:

- Биз каби гуноҳкорларнинг сизга талаба бўлганидир.

Бу гап кўнгишларга қаттиқ таъсир этиб, суҳбатда ўтирган барча йиғлашни бошлади. Аҳмад Руфаи ҳазратлари ҳам йиғлади. Бироз вақт ўтгач “Мен сизларга хизмат этаман. Ичингизда энг гуноҳкори мен. Чунки энг ёши улкани мен, кўп умр кўрганнинг хатоси, гуноҳи ҳам кўп бўлади” деди.

Бор, сабабларга ёпиши

Бир киши ҳаяжон ва изтироб билан Жаъфар Содик ҳазратларининг олдига келиб “Аллоҳ менга кўпроқ ризқ бериши учун дуо этинг. Чунки жуда йўқсилман” деди.

Жаъфар Содик ҳазратлари деди:

- Йўқ, мен сенга дуо қилмайман.

- Нимага?

- Зеро Аллоҳу таоло бу иш учун бир йўл тайин этган. Сабабларга ёпишинг, ризқ ортидан қувинг ва уни қўлга киритинг деб амр ҳам этган. Ҳолбуки сен уйингда ўтириб, дуо этиши билан ризқнинг ўзи келишини истамоқдасан. Яъни одати илоҳияга мухалиф ҳаракат қилишимни истаяпсан. Ҳеч бундай бўладими? Бор, сабабларга ёпиши, сабабларнинг таъсир этишини Аллоҳу таолодан сўра. Шунда мен ҳам бунинг учун дуо қиламан.

Мен бир зарраман

Ҳасан Басрий ҳазратларидан севганлари сўради:

- Бутун мусулмонлар сендан илмий масалаларни сўраб ўргангани ҳолда ҳузурингдан чиққандан кейин қариши гапирганлар бўлади. Бунинг сабаби нима?

- Ҳамма нарсанинг яратувчиси, ҳар яхиликнинг ҳақиқий соҳиби Аллоҳу таоло шу азамати билан халқнинг тилидан ва эътирозидан узоқ эмас. Мен эса оғиз бир қул ва зарраман.

Бизни мажбур этдинг

Саййид Маҳмуд Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари узоқ бир қишлоқдаги шогирдларидан бирининг уйига меҳмонга борди. Кечаси уйда ўтириб уй эгасига “Бор, эшикка қара, у ерда турган ким экан?” деди.

Уй эгаси чиқиб, эшикда шу қишлоқдаги Юсуф исмли бир кишининг турганини кўрди. Юсуф суҳбатга қатнашиши учун изн сўради. “Кирсин” дейилгандан кейин, ичкарига кирди.

Юсуфнинг қўлида бир товоқ нок бор эди. Нокни одоб билан Нақшбандий ҳазратларининг олдига қўйди. У зот уй эгасидан катта бир тоғора келтиришини сўради. Олиб келгач, нокларни унинг ичига тўкди. Сўнгра қўли билан нокларни аралаштириб, бирини чиқарди. Юсуфга берди, қолган нокларни тақсим этишни айтиб “Ҳеч ким қўлидаги нокни емасин” деди.

Юсуфдан нокларни қаердан олганини сўради. Юсуф нокни қаердан олганини айтганида “Олиб келган нокларингга бўлган шубҳамиз нима биласанми?” де-

ди. Юсуф “Ҳазрат, менга қишлоғимизга бир авлиё зотнинг келганини хабар бердилар. Мен сизни имтиҳон этиш учун бир кило нок олдим ва ноклардан бирини ишоратладим. Агар ростда авлиё киши бўлса, мен ишоратлаган нокни топади деб ўйладим” деди.

Нақшбанд ҳазратлари “Бўлмаса қара, қўлингдаги нок ўша ишоратлаган нокми?” деди. Юсуф қўлидаги нок ўзи ишоратлаган нок эканлигини кўриб “Ҳа, ҳазрат, ишоратлаган нок шу” деди.

Нақшбандий ҳазратлари унга дедик:

“Бизни мажбур этдинг, Юсуф. Нокни каромат кўрсатиш учун эмас, сенинг биздан узоқлашмаслигинг учун танлаб сенга бердик. Агар биз буни билиб, сенга бермаганимизда эди, сен биз ҳақимизда ёмон ўйлардинг. Ва бу орқали кўп зарарга учрадинг. Биз ўзимиз сабабли бировнинг зарар кўришини истамаймиз. Жаноби Аллоҳнинг авлиёларини имтиҳон этишга уриниш, яхши инсонларга ярашмайди. Бизни таниб туриб, бу имтиҳонни қилганинда ҳалок бўлардинг. Танимаганинг учун авф этилдинг, бўлмаса устозини имтиҳон этган малъун бўлади деб айтилган.”

Қилган ишидан пушаймон бўлган Юсуф узр сўраб, хатосини кечиршини истади ва бундан кейин талабалари қаторига у ҳам қўшилди.

Улуғларни севганлар маҳрум қолмайди

Жунайд Бағдодий ҳазратларининг бошиқа шаҳарда яшайдиган мухлисларидан бири ҳикоя қилади:

Бир кун бозорда бир гўзал аёлни кўриб, ўзимни ушлай олмай унга қайта-қайта қарадим. Сўнгра пушаймон бўлиб, тавба-истиғфор этдим. Кечқурун уйга келганимда аёлим “Бугун юзингиз қорайиб қолибди. Нима бўлди?” деди.

Кўзгуни олиб қарасам, ҳақиқатан юзим қорайиб қолган. Нимадан бўлганини ўйлаётим, хаёлимга ҳалиги аёлга қараганим эсимга тушиди. Бир зорга кириб, бир-неча кун чиқмасданг кўз ёши тўкдим, гуноҳимнинг авфи учун Аллоҳга ёлвордим. Барибир кўнглим ҳузур топмади. Кейин эсимга Жунайд Бағдодий ҳазратларини бир зиёрат қилсам деган фикр келди. Шайхнинг остонасига бориб эшикни қоққанимда менга “Киргин, эй Абдуллоҳ, сен бозорда гуноҳ қилгин-да, биз Бағдодда истиғфор этайлик, шундайми” дедилар.

Ичкарига кириб муборак қўлларини ўпиб, ўтирдим. Жуда уялиб, ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Жунайд Бағдодий ҳазратлари шундай деб давом этдилар:

- Пушаймонлик, надомат ва тавба киши учун қандай улуғ неъматдур. Қалбнинг ёрдами бўлмаса, аъзоларнинг дин амрига бўйсунуши жуда қийин. Қалбда улуғ зотларнинг севгиси бўлмаса, қалбнинг ёрдами ҳам

*бўлмайди. Буларни уддасидан фақат Аллоҳ одамлари
- валийлар чиқа олишади. Ул зотларнинг вазифасидур
бу! Улуғларни севган қалб маҳрум қолмайди.*

Хикматлар

*Охир замон шайхларидин сўзлойин,
Иймон-ислом билмай шайхлик қилор эрмиш,
Илм ўрганмай, амал қилмай, маъни уқмай,
Охиратда қаро юзлук бўлор эрмиш.*

*Шайхман тею меҳроб ичра ўлтурғойлар,
Ҳалқа ичра халқга заҳмат еткурғойлар,
Ҳою Ҳу деб сармастлигин билдурғойлар,
Ондоғ жоҳил қандоғ шайхлик қилор эрмиш.*

*Мундоғ шайхнинг қиёматда юзи қаро,
Нодонлиқда шайхлик қилур – иши риё,
Рўзи маҳшар расво бўлур, кўзи аъмо,
Аввал-охир залолатда бўлор эрмиш.*

*Шайх бўлмоқга жамъ ул-жамъ адно мақом,
Ҳозир бўлуб, огоҳ бўлсанг алад-давом,
Пир хизматин неча йиллар қилса тамом,
Йўқ эрса, золу музилл бўлор эрмиш.*

Оми шайхлар қулоқ, думсиз ҳимор бўлғой,
Ҳимматлари дунё молин йигор бўлғой,
Халойиқни йўл озгуруб кетор бўлғой,
Ондоғ шайхлар баҳойимдин батар эрмиш.

Ўзларини халқлар аро тутқой улуг,
Ботинлари ичра йўқтур зарра фуруғ,
Ман ортуқ, деб юргонларни жойи тамуг,
Дўзах ичра қоттиқ азоб тортор эрмиш.

Айбин ойтса, оччигланиб урушқойлар,
Ўзи билмай ямон ишга юрушгойлар,
Қаро юзлук маҳшар кунни турушқойлар,
Надоматда боши қотиб юрур эрмиш.

Ей мўминлар, ўшал шайхни баёнини,
Ман ойтвойин, яхши тингланг аёнини,
Қиёматда юклар мурид гуноҳини,
Сирот узра титраб-қақшаб турор эрмиш.

Мундоғ шайхнинг оқилини дегил аҳмоқ,
Омилиқда шайхлиқ қилур эрмиш мутлоқ.
Ботин ичра анга тегор доим тўқмоқ,
Қиёматда ҳасрат қилиб юрор эрмиш.